



Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 8-mart, juma № 28 (3221)

Азалдан муҳта-
рама аёлларимиз-
га хос бўлган
меҳнатсеварлик,
меҳрибонлик,
шукроналик ва
орасталик,
рўзгорни, умуман,
оила ҳаётини
оқилона бошқа-
риш фазилатлари
энг юксак
таҳсинларга
сазovorдир.
Ислом
КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар,
дилбар қизларим!

Табиат уйғониб, тобора чирой очаётган мана шу шукуҳли айёмда сиз, азизларни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон аёлларини 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Биз ҳаёт фалсафаси, маъно-мазмуни ва гўзаллигини биринчи навбатда барчамизни дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган муқаддас Она сиймосида, аёл тимсолида кўрагимиз, аёл зотини Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси, деб улуғлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, гўзаллик ва нафосат, меҳру муҳаббат, вафо ва назокат рамзи бўлган, ўзининг меҳрибонлиги, қалб саховати билан ҳар қайси оилани оила қиладиган, унга файзу тароват берадиган, фарзандларимиз юрагига ўз она юртига севги ва садоқат туйғусини сингирдирдиган аёлларимизнинг бетакрор фазилатлари ҳақида ҳар қанча гапирсак, уларни ҳар қанча эъзозласак, арзийди, десам, ўнлайманки, бугун барча юртошларимизнинг кўнглидаги фикрларни ифода этган бўламиз.

Қадрли опа-сингиллар!
Барчамизга аёнки, дунёда давлат ва жамиятнинг нуфузи, маданий даражасини кўрсатадиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини яққол акс эттирадиган шундай бир мезон борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати билан белгиланади.

Шу маънода, аёлларни улуғлаб, ардоқлаб, бошига қўтариб яшайдиган халқ ўзининг юксак маданияти ва олижаноб қадриятларини амалда намоён қиладиган ва тасдиқлайдиган халқ сифатида обрў-эътибор қозонади, десак, янглишмаган бўламиз.

Мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистонимизни ҳар томонлама раванг топтириш, олдимизда турган эзгу мақсадларга эришиш йўлида бутун халқимиз қатори хотин-қизларимизнинг беқийс ҳиссаси борлигини биз ҳамisha миннатдорлик билан белгилаймиз.

Азалдан муҳтарама аёлларимизга хос бўлган меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, шукроналик ва орасталик, рўзгорни, умуман, оила ҳаётини оқилона бошқариш фазилатлари энг юксак таҳсинларга сазовордир.

Айни вақтда давлат идоралари бошқарувида ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда — ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият каби турли жаҳдаларда, хусусан, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Соғлом она — соғлом бола» сингари бутун дунёда тан олинган дастурларимизни амалга оширишда опа-сингилларимизнинг ибрат кўрсатиб, самарали меҳнат қилаётганини мамнуният билан эътирф этишимиз.

Шу борада биргина мисол — мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қиладиган аҳолининг 50 фоизга яқинини айнан хотин-қизлар ташкил этаётганининг ўзи кўп нарсани аниқлатади, деб ўнлайман.

Албатта, биз опа-сингилларимизнинг меҳнат ва турмуш шaroитларини янада яхшилаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, фарзандларимиз, айниқса қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-хунар, илм-фан чўққилларини эгаллаб, ҳаётдан муносиб ўрин олишлари учун бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз кераклигини яхши тасаввур этишимиз.

Юртимизда 2013 йилга «Обод турмуш йили»

деб ном берганимиз ва шу асосда давлат дастури қабул қилганимиз замирида аввало ана шундай амалий ишларимизни янги, юксак босқичга кўтаришдек эзгу мақсад муҳассамдир.

Жорий йилда давлат бюджет харажатларининг қарийб 60 фоизини ижтимоий соҳаларга йўналтириш, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини ўртача 23 фоизга ошириш бўйича белгилаб олган режаларимиз, ҳеч шубҳасиз, бу йилда яна бир салмоқли қадам бўлади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида оила институтини мустаҳкамлаш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги роли ва нуфузини юксалтириш, уларнинг қобилият ва имкониятларини рўйбга чиқариш, хотин-қизларни, хусусан, қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш, аёлларга кредит ажратиш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш каби биз учун устувор бўлган вазифаларга алоҳида ўрин берилгани айниқса эътиборлидир.

Халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш мақсадида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, шифоналар, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт масканлари, коммуникация тармоқлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини қуриш, янги турар-жойлар, жумладан, қишлоқларимизда намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта уй-жой барпо этиш, катта ҳажмда ободончилик ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шулар қаторида аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш масаласи ҳам, табиийки, эътиборимиз марказида бўлади. Хусусан, хотин-қизларнинг уй-рўзгор юмушларини енгиллаштириш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган машино-техника ва зарур товарларни харид қилиш учун бериладиган истеъмол кредитлари ҳажмини 1,3 баробар ошириш мўлжалланаётганини қайд этиш жоиз.

Бундай улкан режаларни ҳаётга татбиқ этиш учун 6 триллион 650 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилаётганининг ўзи бутун ҳаётимизни қамраб оладиган кенг кўламли мақсад ва вазифаларни яққол ифода этади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз опа-сингилларим, қадрли қизларим!
Айни шу дамларда қалбимда, юрагимда сизларга доимо сақланган келаятган чўқур ҳурматимни изҳор этиб, бир фикрни билдирмоқчиман.

Аёл зотиға, айнан сизларга мансуб гўзал фазилатлар, ҳаётимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ҳамжихатлик ва аҳиллик каби инсоний туйғуларни янада юксалтириш, фарзандларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги эзгу интилишларингиз, беқийс хизматларингиз учун бутун юртошларимиз, халқимиз номидан барчангизга таъзим қилишни ўзининг шарафли бурчим, деб биламан.

Яна ва яна бир сизларни баҳор ва нафосат айёми бўлиши 8 март байрами билан самийий табриклайман.

Умрингиз узок, ризку насибангиз зийда бўлсин!

Ҳамиша толеингиз баланд бўлсин!
Хонадонларимиздан шоду хуррамлик, қут-баракат аримасин!

Халқимиз, Ватанимиз, фарзандларингиз бахтига доимо омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



ОИЛАДА — ОҚИЛА, ЖАМИЯТДА — ФАОЛ

«Туркистон» саройида 7 март куни Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга муносиб шарт-шaroитлар яратиш, қобилиятини рўйбга чиқариш, оила, Зеро, турмушимиз ободлиги ва фаровонлиги, жамиятимиздаги ҳамжихатлик ва осойишталик кўп жиҳатдан опа-сингилларимизга боғлиқ.

«Туркистон» саройида 7 март куни тантанали тадбир бўлиб ўтди. Саройга турли соҳаларда самарали меҳнат қиладиган аёллар, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, сенаторлар, депутатлар, вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари тақриф этилди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Мустақиллик майдонида бўлиб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу интилизларимиз рами — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова Президентимиз

Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга муносиб шарт-шaroитлар яратиш, қобилиятини рўйбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, ўз билими ва қобилиятини намоён этиши учун кенг шaroит яратиш борасидаги ишларни тартибга солиштиришда муҳим омили бўлаётди.

Юртимизда табиий муассасаларнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш, аёллар, айниқса, ўсмир қизлар саломатлигига эътиборни қучайтириш, туғруқ ёшидаги аёлларни ик-тисолаштирилган табиий қуриқдан мунтазам ўтказиш, жамиятда «Соғлом она — соғлом бола» тамойилни кенг қарор топтиришга оид ишлар изчил давом этмоқда.

Таълим тизимининг барча бўғинларида жорий этилган «Ораст қизлар» тўғрақларининг фаолияти қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг жамият олдидagi ижтимоий масъулиятини ошириш, маънавиятини юксалтиришга

ҳисса қўшмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 9 июлда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони маҳалаларда хотин-қизлар билан ишлаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёшлар тарбиясига оид ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим омили бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан Обод турмуш йили деб эълон қилинган жорий йилда хотин-қизлар учун муносиб шaroитлар яратиш, оғирини енгил қилиш, ўсмир қизлар соғлиғи ҳақида алоҳида гамши, ўз билими ва қобилиятини намоён этиши учун кенг шaroит яратиш борасидаги ишларни тартибга солиштиришда муҳим омили бўлаётди.

Юртимизда табиий муассасаларнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш, аёллар, айниқса, ўсмир қизлар саломатлигига эътиборни қучайтириш, туғруқ ёшидаги аёлларни ик-тисолаштирилган табиий қуриқдан мунтазам ўтказиш, жамиятда «Соғлом она — соғлом бола» тамойилни кенг қарор топтиришга оид ишлар изчил давом этмоқда.

Таълим тизимининг барча бўғинларида жорий этилган «Ораст қизлар» тўғрақларининг фаолияти қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг жамият олдидagi ижтимоий масъулиятини ошириш, маънавиятини юксалтиришга

ҳисса қўшмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 9 июлда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони маҳалаларда хотин-қизлар билан ишлаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёшлар тарбиясига оид ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим омили бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан Обод турмуш йили деб эълон қилинган жорий йилда хотин-қизлар учун муносиб шaroитлар яратиш, оғирини енгил қилиш, ўсмир қизлар соғлиғи ҳақида алоҳида гамши, ўз билими ва қобилиятини намоён этиши учун кенг шaroит яратиш борасидаги ишларни тартибга солиштиришда муҳим омили бўлаётди.

Юртимизда табиий муассасаларнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш, аёллар, айниқса, ўсмир қизлар саломатлигига эътиборни қучайтириш, туғруқ ёшидаги аёлларни ик-тисолаштирилган табиий қуриқдан мунтазам ўтказиш, жамиятда «Соғлом она — соғлом бола» тамойилни кенг қарор топтиришга оид ишлар изчил давом этмоқда.

Таълим тизимининг барча бўғинларида жорий этилган «Ораст қизлар» тўғрақларининг фаолияти қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг жамият олдидagi ижтимоий масъулиятини ошириш, маънавиятини юксалтиришга

ҳисса қўшмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 9 июлда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони маҳалаларда хотин-қизлар билан ишлаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёшлар тарбиясига оид ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим омили бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан Обод турмуш йили деб эълон қилинган жорий йилда хотин-қизлар учун муносиб шaroитлар яратиш, оғирини енгил қилиш, ўсмир қизлар соғлиғи ҳақида алоҳида гамши, ўз билими ва қобилиятини намоён этиши учун кенг шaroит яратиш борасидаги ишларни тартибга солиштиришда муҳим омили бўлаётди.

Юртимизда табиий муассасаларнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш, аёллар, айниқса, ўсмир қизлар саломатлигига эътиборни қучайтириш, туғруқ ёшидаги аёлларни ик-тисолаштирилган табиий қуриқдан мунтазам ўтказиш, жамиятда «Соғлом она — соғлом бола» тамойилни кенг қарор топтиришга оид ишлар изчил давом этмоқда.

дейти Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Жиззах давлат педагогика институтини жисмоний маданият факултети 3-курс талабаси Ирода Матмуродова. — Юртошимиз томонидан билдирилган бундай юксак ишонч ва эътиборга аъло ўқиш, ҳалол меҳнат билан жавоб бериш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари — Қорақалпоқ Давлат университети журналистика факултети 1-босқич талабаси Айшолпан Оразимбетова, Сурхондарё вилояти Ангор педагогика коллежи 3-босқич ўқувчиси Сарвиноз Шайдуллаева хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва гамшурлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдир-

ди. Зулфияноним издошлари сафига қўшилган қизлар — Бу-хоро Давлат университети қишлоқдаги академик лицейининг 1-босқич ўқувчиси Нафосат Жўрабекова, Андижон вилояти Олтинқул Агроиқтисодиёт коллежи 2-босқич ўқувчиси Саидабону Абдусаломова Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг «Мушоира» шеърини ўзбек ва инглиз тилларида ўқиб берди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлимининг раиси Жавдат Ингомов мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш борасидаги ишлар Ватанимизни янада обод этиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оилалар фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсадларга хизмат қиладиганини таъкидлаб, хотин-қизларни байрам билан табриклади.

Сарой фойвесида миллий хунармандликни ривожлантиришга оид кўргазма ташкил этилди.

Кечда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунийлик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этиди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири,
ЎЗА олган сурат

Фаолиятга назар

ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

Жамиятнинг маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила ва жамиятдаги фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантиришга қаратилган кенг ислохотлар амалга оширилмоқда. Аёллар масаласида 80 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хотин-қизларнинг меҳнат қилиши, ўз иқтидорини намоён этиши, меҳнатни оилавий юмушлар билан уйғун ҳолда олиб бориши учун етарли шарт-шaroитлар яратилди. Уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ўнлаб ташкилотлар орасида касаба уюшмаларининг ўзига хос ва ўзига мос ўрни бор.

Аёлларнинг ижтимоий мавқеини ошириш, имкониятларини кенгайтириш ишларида фаол иштирок этиш, амалдаги қонунларда улар учун белгиланган имтиёзлар берилиши устидан жамоатчилик назоратини қучайтириш Федерацияси Кенгаши фаолиятининг устувор йўналишларидан бири деб белгиланган бўлиб, бу ишларни тизимли, самарали олиб бориш мақсадида Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси Низомни қайтадан қўриб чиқилди ва Хотин-қизлар кенгаши деб номланди. Худудий бирлашмаларда Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари деб аталса-да,

фаолияти тубдан ўзгартирилди. Хотин-қизлар кенгаши ва худудий комиссиялар асосий эътиборни мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона, ташкилот, муассасаларда меҳнат қиладиган хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга, хавфсиз ва етарли иш шaroитлари яратилишида касаба уюшмаларининг иштироки ва фаоллигини қучайтиришга қаратди. Худудлардаги мутасадди идора ва ташкилотлар билан биргаликда хотин-қизларнинг иш билан бандлик даражасини ошириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, оилавий тад-

биркорликни ривожлантириш ва янги ташкил қилинган иш ўринларида меҳнат қиладиган аёллар манфаатларини қўллаб-қувватлаш устидан жамоатчилик назорати ўрнатилди. Шунингдек, хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги мавқеини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ишловчи аёлларнинг малакасини ошириш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, меҳнат бозоридаги рақобатда улар манфаатини ҳимоялаш, касба йўналтириш, ўқитиш, хавфсиз меҳнат шaroити, ички имконият ва қобилиятини рўйбга чиқаришда гамшурлик кенгайтирилди.

Хотин-қизлар кенгаши томонидан ўтган 2012 йилда Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ масалалар ижроси ўрганилди. Худудий бирлашмалар Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари учун ўқув-семинарлар ўтказилди.

(Давоми 2-саҳифада).

Ҳарбий қисмга ташир

Бугун аскарлик ўзига хос шарафга айланиб улгурди. Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари айни кунларда юртимизнинг турли ҳудудларида жойлашган ҳарбий қисмларда бўлиб, хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари турмуш тарзи билан яқиндан танишмоқдалар. Поп туманида жойлашган Н-ҳарбий қисмга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси Т.Нарбаева ташир буюрди.

ВАТАН ҲИМОЯСИ — ОЛИЙ ШАРАФ

— Республикаимиз Президентининг истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Ватан ҳимоясига жиддий эътибор бериши бежиз эмас, — деди Т.Нарбаева ҳарбий хизматчилар билан учрашувда. — Негаки, юртин ҳимоя қилувчи Қуролли Кучлар замонавий ва чинакамига мустаҳкам бўлмас экан, хотиржамлик бўлиши қийин. Бир нарсани фахр билан таъкидлаш лозимки, дунёнинг ҳеч жойида армия хизматчиларига бу қадар имтиёзлар берилмаган. Ўқишга киришдаги имтиёзли баллар, нафақага чиқишдаги шaroитлар — буларнинг ҳаммаси юрт ҳимоячиларига эҳтиром нишонасидир.

Шу кунги ҳарбий қисм клубида «Ватани асраш — мардлар иши» деб номлан-

ган маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда ҳарбийларнинг оила аъзолари, аскарлар, касаба уюшма фаоллари, санъаткору ижодкорлар қатнашди. Тадбир сўнггида ҳарбий қисмга ЎзКУФК томонидан компютер тўхфа қилинди.

— Эътибор ҳар қандай кўнгилни юксалтиради, — деди ўз миннатдорчилигини изҳор этар экан гарнизон бошлиғи, подполковник Маммуружон Ганиев. — Аскарнинг ортида Ватани, яқинлари турганлиги уни ҳар доим руқлантиради. Юртимиз, юртошларимиз ишончини оқлашимиз, чегараларимиз дахлсизлигини сақлашимизда уларнинг меҳри бизга куч бағишлайди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Опасиз, сингилсиз, севимли ёрсиз,



Муносиб рағбат

Шеърят мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий ўз асарларида ҳуқуқ, мантиқ, тиббиёт илмида, санъат соҳасида барчани қойил қолдирган истеъдодли қизларни таърифлаб, миллат келажагини яратувчиларнинг илм-маърифатли бўлишини орзу қилган эди. Бугун юртимизнинг иқтидорли қизлари қўлга киритаётган ютуқларни кўриб, асрлар оша буюк бобокалонимиз қаҳрамонлари уларга ҳавас билан қараётган, бундан Алишер Навоий руҳи ҳам шод бўлаётган бўлса не ажаб!

УМИДИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ

6 март куни Зулфия номидаги Давлат мукофотининг 2013 йилги совриндорлари иштирокида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтказилган учрашув ҳам ўзига хос рамзий маънога эга.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазириликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ёзувчилар уюшмаси, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, «Соғлом авлод учун» жағмармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ёзувчи ва шоирлар, фаол хотин-қизлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб халқимизнинг ардоқли шоираси Зулфия ҳайкали пойга гуллар қўйдилар. Президентимиз ташаббуси билан 1999 йилда тасвир этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти қанчадан қанча зукко қизларнинг қалбига эзгулик уруғини, тафаккур зиёсини сочиб, уларни ижод, илм-фан, касб-хунар, спорт соҳаларида ўз истеъдодларини намойён этишга руҳлантирмоқда. Ҳозирга қадар 182 нафар навихол она-Ватан эътирофини фахр-ифтихор билан, қуёшнинг бир парчаси мисол кўкрагига тақиб юрибди.

Бугунги кунда совриндорларнинг 30 нафари вазирилик, идора ва ташкилотларда, 10 нафари сиёсий партияларда, 10 нафари олий ўқув юрталарида, 20 нафари марказий ва ҳудудий матбуот нашрларида фаолият юритмоқда. 7 нафари Президент стипендияси, 10 нафари Навоий, Ибн Сино

стипендиялари совриндорлари, 20 нафари спортнинг турли йўналишлари бўйича Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионларидир.

Зулфия номидаги Давлат мукофотини олишга талабдорлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Агар 2004 йилда 5 мингга яқин қиз мукофотга даъвогарлик қилган бўлса, бу йил уларнинг сони 11 198 нафарга өтди. Ватан келажаги ва миллат тақдирида ижобий ўзгаришлар ясай оладиган иқтидорли қизларни миллионлар орасидан танлаб олиш осон иш эмас, албатта. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий комиссиялари томонидан 5 та йўналиш бўйича 300 нафарга яқин иқтидорли қизнинг ҳужжатлари Республика комиссиясига тақдим этилди. Спортнинг турли йўналишлари бўйича Осиё ва Ўзбекистон чемпиони, жаҳон чемпионатлари совриндори, фан олимпиадалари ҳамда республикамизда ўтказилаётган турли кўриқ-танловларнинг голибалари бўлган 14 нафар истеъдодли қизларимиз давлатимиз раҳбарининг қарори асосида мукофот билан тақдирланди.

Анжуманда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Нарбаева сўзга чиқиб, мамлакатимизда хотин-қизларга яратилаётган кенг имкониятлар, аёлларимиз қўлга киритаётган ютуқларга жамоатчилик эътиборини қаратди.

— Бугун юртимизда аёллар давлат ардоғида. Хотин-қизларнинг ўз салоҳиятини намойён этиши, қобилият ва истеъдодини рўёбга

чиқариши, давлат ва жамият қурилишида иқтидорини синбаб кўриши учун барча имкониятлар яратиб берилган, — деди, жумладан, Федерация Кенгаши раиси. — Аслида, Президентимиз ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши ҳам ана шу ғамхўрлик ва эътиборнинг бир намунаси. Бугун совриндор қизларимизга ҳавас билан қараймиз. Қизлардаги нафосат, назокат, чеварлик, чексиз истеъдоддан фахр-ифтихор туясан киши.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов, Маданият ва спорт ишлари вазири М.Ҳожиматов, «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши раиси Б.Ғафуров, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Сайидов ва бошқалар Зулфия номидаги Давлат мукофоти фан, таълим, маданият ва санъат йўналишларида ўз тенгқурларига ибрат бўлаётган фаол ва изланувчан қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади. Тадбирда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг жорий йилги совриндорлари юксак ишонч учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Амина ҚОДИРОВА, «Ishonch» мухбири

ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифа).

2013 йилги иш режасига мувофиқ корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишида фаолият юритаётган, фермерлик ва касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда жамоатчилик назорати янада кучайтирилади. Йил давомида Жиззах, Сирдарё, Хоразм ҳамда Фарғона вилоятларида Хотин-қизлар комиссиялари томонидан бу борада олиб бориладиган ишлар аҳоли ўрганилади.

Барча корхона, ташкилот ва муассасаларда қасаба уюшмаси ва иш бевуви ўртасида тузилган жамоа шартномаларига «Аёллар меҳнатини тартибга солиш. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар» банди киритилишига эришилмоқда. Федерация Кенгашининг Жамоа шартномаларини экспертизадан ўтказиш комиссияси таркибига Хотин-қизлар кенгаши аъзосининг, шунингдек, ҳудудий бирлашмалар экспертиза комиссияси таркибига Хотин-қизлар комиссияси аъзосининг киритилиши бу борадаги ишларнинг тартибли олиб борилишида муҳим омили вазифасини ўтамоқда.

Давр ҳар биримиздан янада фаолроқ ҳаракат қилиш ва изланишни, халққа яқинлашишни талаб этапти. Хотин-қизлар кенгаши ва ҳудудий комиссиялар аъзолари таркиби юридик, ижтимоий ҳимоя, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимлари мутахассислари билан тўлдирилди. Янги таркибга замон билан ҳамқаддам одимлайдиган, эл манфаати учун фидойи ва жонқуяр, энг муҳими, элга наф келтиришни олий саодат деб билган қасаба уюшмаси фаоллари жамлангани фаолиятимиз мазмун-муҳиятини кучайтириши, шубҳасиздир.

Жамоа шартномалари орқали аёлларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ҳимояларни ва ёш болалари аёлларга қўшимча таътиллари бериш, 12 ёшга фарзанд тарбияси билан банд бўлган ишловчи аёлларга қўшимча меҳнат таътиллари кўни белгилаш ёки қўшимча дам олиш кўни бериш каби имтиёзлар мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Мустаҳкам оила йилида фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тулғунга қадар таътилда бўлган 9 минг 831 нафар ёш оилага 2 млрд. 205 млн. 664 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 9156 нафар болалари аёлнинг оилка маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси 1 соатга қисқартирилиб, ушбу мақсад учун 358 млн. 581 минг сўм сарфланди. Федерация тизимидаги санаторийларда кўп болалари ва кам таъминланган оилаларга мансуб 502 нафар аёл бепул даволанди, 110 та ёш оиланинг дам олиши ва соғломлаштирилиши учун 219 та, 113 та ёш оила учун 225 та имтиёзли йўлланма берилди, 3250 нафар она ва бола эса саломатликларини мустаҳкамлашди.

Шу билан бирга, жамоа келишувлари ва шартномаларини тузишда хотин-қизларнинг ижтимоий-

иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга иш ва ўқиш жойларида соғлом ва хавф-хатарсиз ўқиш ҳамда меҳнат шaroитларини яратиш бериш, иш билан таъминлаш, дам олишни ташкил қилиш ва соғломлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Корхона ва ташкилотларда имзоланган жамоа шартномаларида белгиланган имтиёزلардан қасаба аёлларнинг кенг фойдаланиши йўлга қўйилаётди.

Федерация Кенгашининг «Обод турмуш йили» дастурида хотин-қизларнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, бандлигини таъминлаш, фаолиятларини ривожлантириш йўналишида бир қатор тадбирлар белгиланган. Ёш оилалар, айниқса, хотин-қизларнинг моддий аҳолини яхшилаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қишлоқ жойларда ёш оилалар учун янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, жорий йилда ишлайдиган кўп болали оилаларга мансуб 400 нафар аёл бепул даволанди, тиббиёт ходимларидан 200 нафарига бепул, фарзанд кўрмаган 100 та ёш оиланинг ишлайдиган аъзоларига «Умид гулшани» санаторийсига 200 та имтиёзли йўлланма ажратилди. Бу ишларда қасаба уюшмаларига Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари ёрдам кўрсатади.

Хотин-қизлар орасида турли ноҳус ҳолатлар (ғиёҳвандлик, жиноятчилик, ичкиликбозлик, фоҳишабозлик, ўз жонига қасд қилиш, турли оқимлар таъсирига тушиб қолиш, одам савдосининг олдини олиш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оила муқаддаслиги борасида тушунтириш ишлари олиб бориш, суҳбат ва учрашувлар ташкил қилиш, хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида ўқув-семинарлар ташкил этиш ҳамда жойларда хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари таъминланиши аҳолини ўрганиш ҳам бу йилги режаларимизда ўз аксини топган.

Эътироф этиш жоизки, қасаба уюшмаси тизимида эл ишига камарбаста, ташаббускор, халқни эзгуликка бошлайдиган етакчи ва мутахассис аёллар кўп. Бошлангич қасаба уюшма кўмиталари раисларининг 47 фоизи аёллардир. Уларни битта эзгу ният — инсонга наф келтириш орзуси бирлаштириб турибди.

Айни кунда барча бўғиндаги қасаба уюшма ташкилотлари 8 март — Халқаро хотин-қизлар кўнига бағишлаб юқори савия ва кўтаринки руҳда тадбирлар уюштириб, дилбар аёлларимизга ҳурмат-эътиром кўрсатишмоқда.

Эзгулик ва гузаллик тимсоли бўлган аёлни қанча удуғласак ҳам оз. Фурсатдан фойдаланиб республикадаги барча хотин-қизларни ўзларидек гузал байрамлари билан қутлайми. Ҳамиша оилалари тинч, турмушлари обод ва фаровон бўлсин!

Мавжуда ХАЛИЛОВА, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар кенгаши раиси

ТУҲФА

— Бундай ғамхўрликдан беҳад қувондик, — дейди Марғилон шаҳар «Янги боғ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Зиёдаҳон Жақимов.

— Кўрсатилган муруват учун раҳмат, энди ўз оилавий бизнесини йўлга қўйиш имконияти бор, — деди Бурхониддин Марғинийнинг номли маҳаллада яшовчи Мақсуда Исабоева.

— Эътибор кўнгилни юксалтиради. Энди бор маҳоратимни, куч-гайратимни ишга солиб, миллий хунармандчиликни ривожлантиришга ўз ҳиссамни қўшман, — деди «Тоғлик» маҳалласида истиқомат қилувчи Одина Тиллакулова.

Айни кунларда тикув машини насига эга бўлган беклар қасаба аёлларига асосида тикувчилик фаолияти билан шуғулланишмоқда.

Муҳаммадjon МАХМУДov, меҳнат фахрийси

Маънавият сабоқлари

Ҳаёт эркак ва аёл бутунлигида барқарордир. Чунки илоҳий ҳақиқатларга кўра, Аллоҳ Одам Ато ҳисмидан аввал аёлни яратди, кейин эса аёлни Одам Ато авлодларининг яратувчиси бўлиш шарафига ноил этди. Шу тариқа, инсоният ҳаётида, жамият тараққиётида аёллар ўрнини алмаштириб бўлмайдиган нуфуз эгасига айландилар.

Аёлнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳақида икки хил қараш бор: баъзилар аёл уйда оила ишлари ва бола тарбияси билан шуғулланиши лозим, дейишса; иккинчи хил қараш тарафдорлари у фақат шулар билан чекланмаслиги керак, деб ҳисоблайдилар. Аёл фақат бола тарбияси, рўзгорини саранжом-сарошта сақлаш билан шуғулланган тақдирда ҳам бу ижтимоий фойдали меҳнат сифатида талқин этишга эришмоқда. Чунки фарзанд шахсининг шаклланиши оиладан бошлангани сингари, эркакларнинг ижтимоий фаоллиги ҳам оиладаги муҳит ва ғамхўрлик билан шартланган.

Эркак эришадиган мавқе ва галабаларда, хайри амалларда, шубҳасиз, аёлнинг кўзга кўринмас иштироки бор. Инсониятнинг фозилу оқил фарзандлари буни жуда яхши англаганлар ва шунинг учун ҳам аёлни қадрлаб, ўзларини унинг ҳаёти учун ҳамма вақт масъул санаганлар. Агар шундай бўлмаганда, Фарғона бой берилган, қўнчилик киши юз утирган хору ҳақир кунларида Бобур Мирзо ёмғир ўтмайдиغان яғнона чодирини онасига бериб қўймади. Жадид тарихининг улғувор жангномаларини бунёд этган темирўйлар ўз муқоабалари чоғида, энг аввало, аёлларни хавфдан эмсин тутмасдилар.

Аmmo аёлнинг оиладаги вазифасини тор маънода тушунмаслик керак. Жамиятни таррақий эттиришга қодир шахсларни тарбиялайдиган, ўз юфти халолнинг ижтимоий фаоллигини таъминлайдиган аёлнинг ўзи ҳам маърифатли, дунёқараши кенг бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам ўтган

аср бошларида янги ижтимоий турмуш учун кураш шiori билан чиққан зиёлилар программасида «маърифатли аёл» масаласи алоҳида ўрин тутган. Маърифат — қандайдир дипломо ёрлик билан эришилаётган даража эмас, балки у аёл учун — ўзининг борлиқдаги ўрни ва вазифаларини англаш, атрофидагиларни хайри амалларга йўналтириш, дунё ҳодисаларидан бохабарлик ва унинг оилага таъсирини идрок этиш, доимий безовталик ва фаолият демакдир.

ОНА ҲУШЁР БЎЛСА

Бугун терроризм, коррупция, ғиёҳвандлик каби васвасалар бутун дунёга хавф солиб турибди. Менимча, бундай жиноятчилик аёл ҳушёр турган, йўлини қўлиб чоратадбирини кўрган, айни пайтда аёли қаноатли бўлган оилалардан деярли чиқмайди. Ахир, аёл эрини ҳам қаноатга чорласа; ундан ҳам кўра, оила бошлиғи олдига бўлар-бўлмас иқтисодий талабларни қўвермас, борига шукур қилса, аёллар орасида илдиэ отган меъналик, буюмпарастилик кайфиятидан ўзини халос эта олса... эркакларимизни айрим гуноҳу жиноятлардан асраш мумкин бўлармиди?

Айни пайтда, мен ўйлайманки, аёлнинг ўрнини фақат оиладаги фаолият билан чеклаб қўйиш — табиат берган қанча-қанча имкониятни ҳавога совиришдир. Чунки жамиятнинг шундай соҳалари борки, ўша жойларда аёлнинг нигоҳи, аёлнинг қалби, аёлнинг синчков ақлига эҳтиёж сезилади. Чунки, мактабгача тарбиядан бошлана-

диган таълимнинг жами босқичлари, соғлиқни сақлаш, санъат ва амалий санъат соҳаларида аёл қалбини, аёл меҳрининг ўрнини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Бутун жаҳон тарихида бўлгани сингари, туркийлар тарихи ҳам ижтимоий ҳаётда бекиёс ўрин тутган қанча-қанча аёллар номини билади. Тўмарис давлатчилик тарихининг илк тонгидек бутун бир қабилини бошқарган. Гаҳваршодбегим, Нодирабегим сингари Шарқ аёллари, билвосита бўлса-да, мамлакат сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишган. Бобуршохнинг

ҲАЁТ

қизи Гулбаданбегим «Хумоюннома» асари билан Ҳиндистон ва бобурийлар кенчишининг муҳим бир даври воқеаларини тарих саҳифаларига муҳрлаган. Уша давр тарихнавислигидагидан фаркли ўлароқ, «Хумоюннома» кенчишининг ҳар қандай мадҳу саноладан, тарих учун зарар бўлган муболагалардан холи реал битиги бўлди. «Бу китоб бебаҳо асардир... — деб ёзади таржимон Аннаета Сюзан Бевериж хоним. — ... бу асар киборлик ва милоҳат билан, ҳатто қаҳри қаттиқ шохларнинг фаолиятини ҳам саҳна ортида туриб, зийраклик билан кузатиб борган улғувор маликанинг мулоҳазалари баён қилинган бебаҳо манбадир. Муаллиф мулоҳазаларининг самимилиги сарой тарихчиларининг кўпчилиги лол қолдириши ва уялтириб қўйиши ҳам мумкин».

Бугунги кунда санъатда, спортда, илмда, ишлаб чиқаришда қанча-қанча ютуқларни қўлга киритаётган аёл-қизларимизнинг фаолияти ҳам диққатга сазовор. Қолаверса, аёллар муҳим сиёсий вазифаларда, раҳбар сифатида жуда

Дилларга жўшқинлик улашиб ўлкамизга кўклам кириб келди. Табиатнинг уйғониши билан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам тавора авж олмақда. Одамларнинг юз-кўзида баҳорий кайфият.

КЎКЛАМ СУРУРИ

Туманимизда истиқомат қилаётган 185 минг аҳолининг тенг ярмини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётди.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ҳамда оммавий тадбирлар таъсирчанлигини оширишда бизга Агрисаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси туман кенгаши яқиндан қўмақдош бўлмоқда. Аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тарбиявий-маърифий ишларни такомиллаштириш мақсадида «Аёл ибоси», «Ёшлар ва

замонамиз», «Огоҳлик — муқаддас бурч» сингари кўплаб тадбирлар уюштирилади. Шу кунларда маҳаллалар, ташкилот ва муассасаларда Халқаро хотин-қизлар кўнига бағишлаб ўтказилаётган шодоналарга ишлаб чиқариш илғорлари, фермер аёллар ва нуруний онахонлар тақдир этилмоқда.

Шoира БОБОҚУЛОВА, Нарпай туман хотин-қизлар кўмитаси раиси

Фасллар дилбари сўлим баҳорсиз

Сиз кутган учрашув

«ОРЗУМ — ФИДОЙИ ШИФОКОР ОБРАЗИНИ ЯРАТИШ...»

Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти Меҳри Бекчоновна билан суҳбат

— Меҳри опа, ёшларингиз, умуман театрга кириб келишингиз ҳақида гапириб берсангиз?

— Бегубор болалигим Наманган вилоятининг Поп туманида кечди. Оилада ёлғиз, арка қиз эдим. Онам — Азизахон ая бизни оқ ювиб, оқ таради. Санъаткор буламан, деганимда қаршилик кўрсатмай, ўзлари шароит яратиб берди. Ўғил болаларнинг ичида ўганим учунми, бироз шаддоқ ҳам эдим. Лекин барча фанлардан аълога ўқир, айниқса, адабиёт, мусиқа дарсларини жуда ҳам яхши кўрадими. Мактабимизда «Нихол» деган тўғрақ бўларди. Машгулотларга бир кун ҳам қолдирмай борардим. Бирор тадбир ё байрам менсиз ўтмасди.

— Турмуш ўртоғингиз билан танишингиз қандай бўлган?

— Менимча, ҳар қандай қиз ўсимирлик даврида бир марта бўлса ҳам келажақда тақдирини қандай инсонга боғлашни ҳақида ҳаёл сурса керак. Мен ҳам далада қизлар билан янана қилиб, пахта териб юрган пайларим, бир умрлик ҳамроҳим ким бўларкан, деб кўп ўйлардим. Тақдир экан, турмуш ўртоғим Саша ака билан олийгоҳнинг иккинчи курсида ўқиб юрган кезларим танишиб қолганми. Бир воқеа ҳеч ёдидан чиқмайди. Бир кун у кишининг курсида ўқийдиган Мунаввар исми наманганлик қизни хонасига қидириб борсам, курсдошлари билан тўй кўришишдан бир лаваҳа саҳналаштириётган экан. Эшикдан мўралаландим, ҳалиги қиз: «Яхши бўлди. Меҳрихон, билгандай келибсиз, бизга келин етимаётганми. Энди келин ролини ўйнайсиз», деб ичкарига торди. Қарангиз, Саша ака қув ролни ўйнаётган экан. Шу-шу бир-биринини кўрсак сўрашадиган бўлди. Бора-бора муносабатларимиз яхшиланиб, ҳақиқий келин-куёвга айланди. Бошида ўйимдагилар тўйимизга бироз қаршилик ҳам қилишган. Узоққа қиз бермадимиз, кейин кўвнинг исми ҳам ўзбекча эмас экан, миллати рус шеклиди, деб унашмаган. Лекин уста Отажон бувам раҳматли: «Севчишдимми, албатта,




бахтли бўлади, тўйни бошлайверамиз», деб ҳаммани кўндирган эди. Худога шукр, мана турмуш курганимизга ўттиз йил бўлди. Бир қиз, бир ўғилни тарбия қилиб воёга етказдик. Қизим Дилдора журналист. Ўғлим Дилёрбек эса Тошкент эстрада цирк коллежи талабаси.

— Саша ака билан узоқ йиллардан буён елкадош, ҳамфирқ бўлиб ижод қилиб келаясизлар. Бунинг сирини нимада?

— Ҳақиқатан ҳам айнан бир соҳада, яна бир жойда, битта саҳнада ёлғиз-ёлғиз, елкама-елка ижод қилиш ҳаммага ҳам наசிб этавермайдиган бахт. Насиб йилдири, оилада ҳам, ишда ҳам имкон борича биримиз иккинчи-миккинчи тўлдириб ҳаракат қилиб келаямиз. Ҳеч тап тортимай камчиликларимизни танқид қиламан, яхши томонларимизни мактаб, кўнгилмизни кўтарамиз.

Аёл санъаткор учун ҳам оилани, ҳам ишни бирдек эплаш осон иш эмас, албатта. Баъзида нимагадир улгурмайсан, спектакл кунлари чарчаб келасан... Ана шундай пайларда турмуш ўртоғим санъаткор бўлмаганида балки мени тушунишни қийин бўларди, деб ўйлаб қоламан. Аммо у киши доим менга ёрдам бериб, йўқлигимда ҳатто уйга келган меҳмонларни қилиб кетаверади. Мен ҳам вазиёти қараб у кишининг юмушларини бажаравераман.



— Санъатда юксакликка эришиб, бироқ оилавий бахтга эришолмаган аёл санъаткор чиннакам бахтли бўлиши мумкинми?

— Бир кам дунё. Аммо инсоннинг ўзи ҳам тақдир синовларига сабабчи бўлади. Афсуски, санъатни деб оиласини ёки аксинча, оиласи деб санъатни тарқ этаётган аёлларимиз ҳам бор. Мен машхурик илинжида оиласи тузилиб кетган санъаткор аёлларни тушунолмайман, тушунишни ҳам истайман. Ахир, ҳар бир аёл ўз бахтини, аввало, оиласида топади-ку! Чунки, шон-шухрат, мухлис-лар олқиши — ҳаммаси ўткинчи. Вақти-соати етиб буларнинг барчаси тугайди, хира тортади. Яхши-ёмон кунингда ёнингизда бир меҳрибонинг, бу дунёда изингда қолгани фарзандларнинг бўлгани не ётсин! Аёл учун бекалик, оналик бахти энг катта бахтдир. Оила ва санъатни бир маромада олиб борадиган кишиларга эса машхурик ҳам, шон-шухрат ҳам татиса керак.

— Санъаткорнинг юриш-туриши, муомаласи, умуман, санъаткор аёл маънавияти ҳақида фикрингиз?

— Санъаткор деганда халқимиз, энг аввало, маънавият, маданият тарғибчиларини тушунади. Ҳақиқатан ҳам биз санъаткорлар, айниқса, аёллар ўз юриш-туришимиз, муомала маданиятимиз, кийинишимиз, ўзимизни тутишимиз билан мухлис-ларга ўрнак бўлишимиз лозим.

бўлиб келиб, катта дарёларга қўшилишингиз ўзи буюк бахт. Меҳнатларим Юртбошимиз томонидан юксак баҳолиниб, «Ўзбекистон халқ артисти», деган юксак унвонга лойиқ топилдим, шуларнинг ҳаммаси ҳақида ўйларканман, ҳаётимдан мингдан минг розиман, дегим келади.

«Лайли ва Мажнун»да Лайли, «Тоҳир ва Зухра»да Зухра, «Фарҳод ва Ширин»да Ширин, «Гул ва Наврўз»да Гул, «Нодира-бегим»да Нодирабегим, «Бобур соғинчи»да Моҳимбегим, «Муҳаббат навоси»да Омонисахон, «Топталган туйғу»да Маъсума, «Мангулик»да Дилдора каби бир қатор ролларни жуда севиб ижро этганман.

— Ўзингиз устоз даражасига этдингиз. Устозларнингиз ҳақида гапириб берсангиз?

— Жуда кўплаб истеъдодли артистлардан сабоқ олдим. Айниқса, олийгоҳдаги устозларим Бахтиёр Ихтиёров, Хусан Шарипов, театردа Фароғат Раҳматов, Марямхоним Ихтиёрова, Наима Ғулова, Дилором Сафарова, Одина Нарзуллаева сингари санъатимиз усталаридан жуда кўплаб нарсаларни ўргандим.

— Актриса аёл сифатида қандай ролларни орзу қиласиз?

— Ҳозир кўпроқ она ролларини ўйнаяпман. Лекин халқнинг хизматида бўлиб, барчага яхшилик қиладиган шифококор аёллар сиймосини яратсам дейман. Охириги пайларда турли характердаги ролларни ўйнашга тўри келмоқда. Масалан, салбий ва комик образларни. «Тошкентнинг нозанин маликиси» спектаклида Хайри ролини беришди. Шу ролда озгина қийналганман. Чунки ҳаётда самимийман, ижро этган ролларим ҳам ижобий. Шунинг учун бўлса керак, салбий образга мослашимиз бироз қийин кетган.

— Ҳаётингизда қасба уюшмасининг ўрни қандай?

— Оиламиздаги барқарорлик, қасбимиздаги ютуқларимиз, фарзандларимиз саломатлиги, муносиб меҳнат шароитида ишлаётганимизда қасба уюшмасининг ҳиссаси катта. Шу боис нафақат театр қасба уюшмаси, балки Тошкент шаҳар қасба уюшма ташкилотлари тадбирларида фаол иштирок этамиз. Театримиз қасба уюшмаси раиси Турғун ака Бекназаров ишининг қўзини биладиган, фидойи инсон. Ҳар бир санъаткор манфаати, саломадлиги, оиласи учун ғамхўрлик қилади. Унинг ташаббуси билан байрамларда кексалар ҳолидан хабар оламиз. Бир-биримизга ёрдам берамиз. Бир сўз билан айтганда, барча ишда камарбастиамиз.

«Ishonch» МАХАМОВ Нарзулла МАХАМОВ суҳбатлашди

Жамила Шермухамедова табиатан кўтаринки кайфиятли аёл. Шунинг учунми, бир қарашда олтмиш ёшдан ошганга ҳам ухшамайди. Ундаги катъият, ҳаётсеварлик, самимият, интилувчанлик каби фазилатлар яқинлари, ҳамкасблари, шогирдларини ҳамisha хайратга солиб келган.



Замондошларимиз

Шундайлар бор экан...

Ўзбекистон Миллий университетидеда узоқ йиллар самарали фаолият юритган бу аёл ҳам олимпиада, ҳам жамиятда фаол, ҳам ибратли ўй бекиси ва меҳрибон она сифатида кўпчиликнинг хурматини қозongan. Фалсафа фанлари номзоди, доцент Жамила Шермухамедовадан нафақат илм сирларини, балки қарама-қаршиликларга тўла ҳаёт сабогини ҳам олган кишиларни ҳар жойда учратиш мумкин. У одамларни доимо яхшилик қилиш, улкан мақсадлар сари дадил қадам ташлашга ундайди. «Мен ҳаётни, инсонларни севаман. Бу менга куч-қувват, илҳом беради, яшашга чорлайди. Инсоннинг ким эканлигини ҳаётта бўлган муносабатидан билса бўлади. Ҳаётта эҳтиром билан яшанг», — дейишдан чарчамайди.

«Бўладиган бола бошидан», дея безижга айтишмайди. Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида серфарзанд оилада, яъни 8 ўғил ва 4 қиз ичида ўсган Жамила ёшлигиндан тиришқоқлиги билан ажралиб турган. Падари бузуқвори Тошўлат ота фарзандларини тенг қўриб, байрамларда қизларига бир хил кийим олиб беради. У эса отасининг кўнглига йўл топиб, бозордан ўзига ёққан матони таллаб оларди. Хоҳиш-истагини усталик билан етказганидан мамнун бўлган отаси унинг пешонасидан ўпиб: «Шу қизим жуда сўзамол-да», деб мийғиғада қулиб кўярди.

Еш қиз мол-ҳолга қараш билан бирга, уйдаги озодалликка ҳам жавоб беради. Қўлидан китоб тушмасди. Мактабда ҳам синфбоши сифатида «қолоқ» тенгдошларини «илғорлар» сафига тортишга ҳаракат қилар эди. Шу фазилатлар унга ҳаёти давомида йўлдош бўлди.

Оиладаги тарбиявий муҳит, илм қадри юксак тугилиши фарзандларнинг келгуси тақдирини белгилаб берди. Барчаси олий маълумотли, баъзилари илмий даражаларга эга бўлишди. Хусусан, танили фаюласуф олим, академик Саид Шермухамедов номи кўпчиликка маълум. Жамила опа ҳам ақасининг изидан борди. Қирғ олти йил муқаддам университетга талаба сифатида қабул қилинган Ш.Шермухамедовдан меҳнат фаолияти бутун умри шу даргоҳ билан боғланган. 1972 йилдан Фалсафа факультетининг Сибстатистика кафедрасида ассистент-ўқитувчи, катта ўқитувчи, 1985 йилдан буён доцент вазифасида ишлаб келмоқда. Қўплаб илмий рисолалар, мақолалар, дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифи бўлган олимпиа хали ҳам изланишда.

Донишмандларнинг фикрича, олимликнинг энг биринчи шарти камтарликдир. Жамила опа меҳрибон устоз, билимли, оқила аёл сифатида шогирдларига ўз йўлини топишда ҳамisha ёрдам қилини чўзади. Ўттиз йил аввал ўқитган талабасини қўриб қолса, тилла топгандек қувонади. Муҳими, у ҳеч кимдан қўмагини аямайди. Одамларнинг қувончу ташвишини ўзиникидек қабул қиладди. Бу унинг ўзига хос ҳаёт фалсафасидир.

— Журналистлар, ижодкорлар орасида ҳам Жамила опани ўзига устоз, яқин маслаҳатқўй деб биладиганлар кўпчилигини ташкил этади. — дейди «Ешлар» телерадиоқанали катта муҳаррири Зулфия Файзуллаева. — У киши талабалик давримизда бўлса, бўлажак журналистларга дарс берган. Жамила опа маърузасини ўқиб, тезроқ аудиторидан чиқиб кетадиганлардан эмасди. Домланиш назарий машгулотлар билан кечканиб қолмай, бизни ҳар хил сабаҳатларга олиб чиқарди. Йўл-йўлакай қўрган-кечирганлари, ҳаёт тажрибаларини биз билан дўстона ўртоқлашарди. Жамила опа дарсларини ўша вақтда ҳам ҳозир замонавий интерфасул усул деб аталадиган жонли мулоқот тарзида олиб борарди. Устознинг ҳар бир сабоғидан ўзимиз учун янги маълумотлар олардик.

Жамила опа бор даврада зерикиш бўлмади. Ўзининг халқчақалиги, одамларни ўзига мафтун қилиши билан ҳаммининг қалбига йўл топа олади. Дўстлари ва шогирдларига қийин вазиятларда қоракли маслаҳатлар бериб, тўғри йўл кўрсата олади.

Ж.Шермухамедовани кўпқиррали фаолият эгаси десак адашмайми. Унинг олимлик ва педагогиклик ортиб тадбиркорлик билан шуғулланиб келаватгани алоҳида эътиборга сазовор. Тиниб-тинчимас аёл 1994 йилдан «НАУТО I.R.J.O» хусусий фирмаси бош директори вазифасида ишлаб келмоқда.

Жамоатчилик ишларида фаоллигини айтмайсизми? Унинг жамият ҳаётида қизгин иштироки ҳар қандай инсон учун ибрат бўларли. Хусусан, у Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси эксперти, Ўзбекистон юрист аёллари жамоа бирлашмаси ижрочи директори, «Тадбиркор аёл» уюшмаси хайъати аъзоси, «Шарқ аёли» бошқаруви аъзоси, «Аёллар кенгаши» жамоа бирлашмасининг фахрий аъзоси, «Раҳбар аёллар клуби», Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси қошидаги «Еш оила қувончлар мактаби»нинг тренери ва ҳокзоса.

— Жамоатчилик ишлари билан кўп йиллардан буён шуғулланман, — дейди Жамила опа. — Ҳар йили ўттиз-қирқ минг тингловчи билан аудиторидеда учрашаман. Уларга ҳамisha бир нарсани сингдиришга уринман. Ҳар биримиз фуқаролик, маънавий, экологик ҳуқуқларимизни билишимиз керак. Билим ва дунёқарашимизни кенгайтириш ўз қўлимизда. Маънавий оламимиз, интеллектуал салоҳиятимиз билан улғу аҳдоқларимизга муносиб ворис бўлишимиз лозим. Ҳуртимизда аёлларни қўллаб-қувватлаш, жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш йўлида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, қизларимиз орасидан янги жон Увайсий, Нодирабегим, Зулфияларни еттиштиришга эътибор қаратишимиз шарт. Ж.Шермухамедова Швеция, Англия, Шотландия, Германия, Ирландия, Италия, Миср, Туркия, Болгария, Венгрия, Озарбайжон, Қозоғистон, Украина, Арманистон, Грузия, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистонда ўтказилган илмий, тадбиркорлик, аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, болалар саломатлигини яхшилашга бағишланган халқаро ўқувлар ва анжуманлар иштирокчиси.

Аёл бахтини оиласиз тасаввур этиб бўлмайди. Жамила опа илмий-педагогик ва жамоатчилик ишлари билан ўта банд бўлишга қарамай, бекалик ва оналик бурчини ўринлатадиган аёллардан. Турмуш ўртоғи Расижон Илёв ўғли ҳам илм одами, иқтисод фанлари номзоди, доцент. Бир-бирининг қалбини сўзсиз тушунадиган хонадон соҳибларига кўпчилик ҳавас қиладди.

Жамила опанинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида мушоҳада қилиб, бутун куч-ғайратини юртимиз тараққитининг юксалиши ҳамда жамият маънавий муҳитини соғломлаштиришга хизмат қилдирувчи аёлларимиз борлиги бахтимиз ва бойлигимиз эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласан, қизи.

Комила БОЙМУҚОВО, «Ishonch» муҳбири

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани (Олмазор) турар жой бинolari ва кадастр хизмати томонидан 2010 йил 26 апрелда Ҳакимов Гафуржон Ҳакимович номига берилган ТА 0930824 сонли кадастр ҳужжатлари йўқолишига сабабли бекор қилинади.

ўткирлик билан фаолият кўрсатмоқдалар.

Баъзан «аёлга ҳаётда нималардан воз кечиш, нималарга сабр қилишга тўғри келади?» қабилидаги саволларга дуч келамиз. Бу саволга жавоб бераман, десанг, катта китоб пайдо бўлар-ов... Лекин оиласи тинч бўлган, гап-сўзи хонадонни деворларидан ташқарига чиқмаган, оилани ва ўз касбини эплаб кетаётган ҳар бир аёл — анча-мунча нарсадан — ўзига оғир бўлса ҳам бошқалар манфаати учун —

КўРКИ

воз кечишга куч топа олган фидойи ва оқила аёлдир. Шукурки, бизнинг ўзбек аёлларини табиат мана шундай улғувор куч билан ортиқроқ сийлаган.

ИЛҲОМБАХШ ҚУДРАТ

Бугунги аёл — ҳам оила ташвишларини удралаб, ҳам ўз имкониятларини кенг ижтимоий ҳаётга татбиқ этишга шайланган шахсдир. Бу эса осон эмас. Бироқ, опа-сингилларим, дугоналарим ранжишмасину, аёл эканлигини имтиёзга, имкониятга айлантириб олганлар ҳам йўқ эмас. Ушбу мулоҳазалар қанчалик кескин бўлиб туюлмасин, дўпчи тор келганда, аёл эканлигини рўқаб қилиб иш битиришни кўзлайдиган ёки боласининг касаллигини, рўзғориди-га каму кўстгани байроқ қилиб, ўзига нисбатан раҳм-шафқат уйғотиб, манфаатнинг изидан тушганлар, вазифаси-бурчини бажаришни ора йўлда қолдирадиганлар ҳам бор. Менга ижодда ёки илмда аёл бўлганим учун ён берса-

лар... хафа бўламан.

Аёлга заифа, охижа деб қараш бугун ҳам учраб туради... Бу — кучни фақат жисмоний куч сифатида тушуниш натижаси деб биламан. Зеро, табиат аёлни чиндан ҳам жисмонан эркакка қараганда заифроқ қилиб яратган. Аммо аёлдаги маънавий-руҳий қудрат-чи? Балки, мана шу заиф хилқатни химоя қилиш инстинкти эркакни мисли қўрилмаган жасоратларга, қаҳрамонликларга руҳлантирар? Балки, оддийгина — уйда киравершидаги тумбочка устига қўйилган уч дона чиннигул буюк санъат асарларининг яратилишига сабаб бўлар? Эҳтимол, бекиёс жангда мағлуб бўлган саркардани сўнги ўқдан аёлнинг ширин табассуми сақлаб қолар? Бу ҳодисаларда улғувор қудрат яширин эмасми? Ахир, туркий сўз даҳоси Алишер Навоийнинг жилд-жилд китоблари Аллоҳ жамолини ўзида тажассум этган аёл гўзаллигининг мадҳияси эмасми? Леонардо да Винчининг асрларни ларзага солиб келаватган сирли «Мона Лиза»си-чи?!

Аёл меҳрининг мана шундай илҳомлантирувчи, руҳлантирувчи қудратини ҳис этгандан бўлса керак, Бобур Мирзодай жаҳонгир шоҳ Аграга ташриф буюрган Моҳим бегимни отни эгарлашлагича сабр этмай, пиеда бориб қулиб олган, бегимни отдан тушишга ҳам қўймай, уйчага жилводорлик қилган!

ЛАРЗА

Гўзаллик деганда, аввало, кўз олдимизга аёлнинг қиёфаси келади. Чунки аёл нафақат гўзал мавжудот, балки гўзаллиқни яратувчи ҳамдир. Бахт ва муҳаббат эса аёл билангина бутун бўла олади. Яна бир фикр: бахт ҳам, муҳаб-

бат ҳам фидойилик, қорак бўлса, қурбонлик талаб қиладди. Узаг учун фидо бўлишга қурби етмаган одам бахтининг ҳам, муҳаббатнинг ҳам ҳидини туй олмайди.

Аммо, афсуски, бугунги дунёда нафақат шарқона менталитет, балки умуман инсонийлик низомларига, одамзодни конинотнинг жаҳари сифатида бунёд этган Аллоҳ буюрган турмуш тарзига эид бўлган воқеа-ҳодисалар рўй бермоқда. Нафсининг ҳар қандай қутқусини хоҳиш-ирода эркинлиги деб талқин этиш, қўнғил қўйига юра бериш дунё истиқ-қўли учун катта хавфдир. Мен — инсоният ўз тарихида дуч келган қўнғил-қўнғилнинг энг муҳиши, бу — инсоннинг ўз эрки чегараларини сурбатларча худудсиз деб тушуниши, ўз нафсининг кули бўлмоқлиқнинг олий кўриниши деб ўйлайман.

«Интернет севгиси» деган ҳодиса, афсуски, жуда тез модага айланиб борапти. Машхур хофизларимиздан бирининг қўшиги бор: «Қўл тегса тираб қўлинг...» Интернет мана шундай тирак, улғувор ва ёшлиқнинг ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайдиган покиза ҳиссиётларининг бир заррасини-да ҳаёда эта олармикан? «Интернет севгиси» — бизнинг шўрлик асримизда урфа айланган «хисоб-китоб севгиси»-да... «Бўйим фалон, ёшим фалон, касби фалон, фалон хил одамни излаб юрибман...». Насл-насаб, тарбия, дунёқараш, феъл-атвор — буларнинг қайси бирини интернетдан билиш мумкин? Интернетдан севга ахтариб юрган кимса тақдим қилган барча факту маълумотларнинг тўғрилигига ким қаролат беради? Дунё бугунги миллий ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Аммо бу ҳавони «филтр»ламасак, ҳаммамиз ҳам қурбонга айланамиз. Бу борада ҳам аёлнинг масъулияти чандон оғир.

Агар аёлнинг сифатларини бир сўз

билан ифодалаш эҳтиёжи бўлса, мен уни «мўъжиза» деган бўлардим. Шубҳасиз, қаноат, собитлик ва ҳалимлик, меҳр ва камгаплик — аёлни беэайди. Аёл — яратувчидир, унинг фитратиди айна шу табиат ҳамма ишида кўриниб турса...

Аёл боис яралган бешак

Согинч, ҳасрат, шодлик ва кадар. У шундайин ажиб бир хилқат Заифлиги фазилат қадар. Уйнаганда қиличлар қаттол Қоядайн этолган бардош, Қаҳри қаттиқ эрлар ҳам ҳатто Хузурда тўққанлар кўз ёш. Икки дунё арзимас, бу рост, Ой жамоли, жуфт ҳилолгя. Самарқанду мания Бухоро Ҳада бўлмиш битта холига. Балки ҳақдир, афсонадир ё Фариб ҳол бу — шундай донишлар: Унинг учун бўлганмиш гўё Дунёдаги жамъи урушлар. Улуғ Ҳомер, Навоий, Пушкин, Шекспир ва Гёте пурган — Не шойлар бир умр унинг: Васфи учун йўнмишлар қолам. Унинг боис яралган оё Фалакларда жаннат, жаҳаннам. Не бўларди унингиз дунё, Не бўларди Ҳазрат Одам? Кўзларида кундуз ила тум, Юзларида хуршид талъат, Қошларининг меҳробда дин, Оёқларин остида жаннат...

Нодира АҲОҚОВА, филология фанлари доктори



8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминовага мамлакатимиз Президентини совғаси топширилди.

лар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди. 2007 йилда минтақавий саралаш мусобақасида биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатида йўлланма олди. Дунёнинг энг кучли 64 шахматчиси дона сурайдиган ушбу турнирда

ди. 2010 йилда йигирма ёшга бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кучли тўртликдан жой олди. Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган ёш Осие ўйинларининг жамоавий баҳсларида терма жамоамиздаги дугоналари — Ольга Собирова, Юлдуз Ҳамроқуллова, Нодира Нодиржоно-

билан тақдирланди. Ана шу муносабат билан Ўзбекистон Шахмат федерациясида бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз совғасини Нафиса Мўминовага Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари Ж.Қосимов топширди.

— Ўзбекистон ёшлари, жумладан, спортчи ёшларининг эришган мамлакат ва халқаро миксдаги юксак натижалар истиклолимиз шарофати ва давлатимиз раҳбарининг эътибор ва ғамхўрлиги туфайлидир, — деди халқаро гроссмейстер Н.Мўминова. — Президентимиз совғасини олиш ҳар бир спортчи учун улкан шараф ва бундай бахт менга ҳам насиб этганидан жуда хурсандман. Юртбошимиз Рустам Қосимжоновга ҳам замонавий компьютер совға қилган эдилар. Бунинг самарасида Рустам Қосимжонов жаҳон шахмат тожини қўлга киритди. Жаҳон чемпиони бўлиш — менинг ҳам олий мақсадим. Давлатимиз раҳбарининг ёшлар камолотига қаратаётган юксак эътибори бизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Суратда: Халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА)
олган сурат

ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор самарасида мамлакатимиз ёшлари болалиқдан спорт билан шуғулланиб, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етмоқда, халқаро майдонларда юксак натижаларга эришмоқда. Буни фарғоналик шахматчи Нафиса Мўминова мисолида ҳам кўриш мумкин.

катнашиш учун Марказий Осие минтақасига ажратилган ягона йўлланма қўлга киритди ва Ўзбек хотин-қизларидан катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этган биринчи спортчи бўлди.

Олти йилдан буён Ўзбекистон терма жамоаси сафида халқаро мусобақаларда иштирок этиб келаётган Нафиса 2008 йилда 18 ёшга бўлган қизлар ўртасида Осие чемпионатида қумуш медални қўлга киритди. Қўллаг халқаро турнирларда хотин-қизлар ўртасида биринчи ўринни эгалла-

ва билан бирга қумуш медални қўлга киритди. 2011 йили I Марказий Осие кубоги ва 2012 йил Тошкентда ўтказилган «Тошкент опен» халқаро шахмат турнирида хотин-қизлар ўртасида ғолиб бўлди.

Халқаро шахмат федерацияси яқинда Нафиса Мўминовага халқаро гроссмейстер унвони берилганини эълон қилди.

Ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонини қўлга киритган Нафиса Мўминова Президентимиз Ислам Каримов совғаси — замонавий компьютер

Касаба уюшма спорти



Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Учтепа тумани кенгаши тасарруфидagi мактаблар раҳбарлари ўртасида спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

СОҒЛОМ РАҲБАР — СОҒЛОМ ХОДИМ

Унда тумандаги ўттиз иккита мактабдан вакиллар катнашди. Стол тенниси, баскетбол, кувноқ эстафета бўйича беллашувлар барчада катта қизиқиш уйғотди.

Саодат Маликова, Зулхумор Азимова, Зебо Зиёмухамедова, Гулчеҳра Назарова, Саида Раҳимова, Дилором Халилова, Нигора Салимова, Салтанат Тулаганова каби уо-

тозлар фахрий ёрликлар соҳибига айланишди.

— Бугун яна бир бор амин бўлдикки, бундай мусобақалар тез-тез бўлиб туриши лозим, — деди тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Дилфуза Умарова.

Ўз мухбиримиз.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Тадбир

Навойи шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар марказида «Бахтим шул — ўзбекининг Зулфиясиман» деб номланган тадбир ўтказилди.

ШОИРАГА ЭҲТИРОМ

Унда шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, «Ойла» илмий-амалий маркази, «Зулфияхоним клуби» аъзолари иштирок этди.

Тадбирда шоиранинг ҳаёти ва ижоди, ёшлар тарбиясида туганган ўрни ҳусусида сўз борди. «Зулфияхоним клуби» аъзоларининг бадиий чиқишлари, ижро этган сахна кўринишлари тадбирга завқ бағишладди.

Дилфуза АРЗИЕВА,
Навойи кенчилик коллежи ўқитувчиси

IPOTEKA BANK

**Мунис онахонлар
ва лобар
опа-сингилларимизни
8 март — Халқаро
хотин - қизлар
куни билан самимий
муборакбод этади.**

**Ойлангизни бахт ва толе, қалбингизни
гўзаллик, лобар чехрангизни
назокат ва латофат тарк этмасин!**

Бойчечак БИР ГУЛ КЕЛТИР...

Бир гул келтир, кўрайин мен у гўлда
Муҳаббатнинг энг бегубор, соф рангин.
Бир гул келтир, то ҳис қилмай кўнгида
Сен айтмаган, кутганим сўз жанангин.

Зулнат ичра қолиб кетсам бир ўзим,
Гулим кўриб йўлим бритгай чакмоқ.
Булулларга беркинса бахт юлдузим,
Ушга гулни этгум қалбимга чироқ.

Дардларининг фақат унга айтаман,
Фақат удир ишонганим, сирдошим.
Гардларин кипригим-ла артаман,
Узга ҳеч ким кўрмасин деб кўз ёшим.

Севгим ҳақи эъозлайман, ҳа, ишон,
Кечирмагин, мен у гулни сўйлтсам.
Ниж армоним бу дундан кетар ош,
Ушга гулни қантга қўйма, тўтсам.

Бир гул келтир...
Гулизебо ШАҚИРОВА,
Ушарқумоли

ЯҒОНАМСАН

Она юртим, жоним тасаддуқ,
Бўйларингга кўз тумор, жоним.
Узгачасан, якто, тенги йўқ,
Яғонамсан, Ўзбекистоним.

Бу не бахти, сенда тугилдим,
Киндик хоним тўғилди, шунда.
Сени билиб... узимни билдим,
Сенгагина, жоним, мафтунман!

Узингдирсан ҳаёт мазмуни,
Сарбаланддир нисли тоғ кўнглим.
Кун демасман сенсиз бир куним,
Бошда тутмас онасини ким?!
Она юртим...


Гулизебо КОМИЛЖОНОВА,
Тошкент шаҳридаги
254-мактабнинг 8-синф ўқувчиси

«МУЪТАБАР АЁЛ» ТОПҚИРЛИК МАШҚЛАРИ

АЙЛАНМА КРОССВОРД: жавобларни шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат миля йўналишида ёзинг. **1.** Пиримкул Қодировнинг «Юлдузли тунар» романи қаҳрамони, Тоҳирнинг севгилиси. **2.** Ойбекнинг «Навойи» романи қаҳрамони. **3.** Шарафига истеъдод соҳибларига давлатимиз муқофоти таъсис этилган атоқли ўзбек шоираси. **4.** Ўзбек халқ мақолидан: «Тотув Узок умр.» **5.** Мехридон, раҳмдил, мурувватли маъноларини англаувчи аёллар исми. **6.** Одатда ўз касбининг устаси бўлган аёлга бериладиган сифат. **7.** «Келинлар кўзгалони» асарининг бош қаҳраманидан бири. **8.** Атоқли грузин шоири Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёлпанган паҳлавон» дostonидаги аёл образи. **9.** Муҳаммад Юсуфнинг шеърый тўплами номидан: «... энам аллалари». **10.** «Алломиш» ўзбек халқ достони қаҳрамони. **11.** Ўзбек мумтоз ғазалнавис шоираси. **12.** Умарбеков романи номидан: «... ва Зухра». **13.** Пойтахтимизда ташкил этилган, асосан аёллар феолият кўрсатувчи ишлаб чиқариш корхонаси. **14.** Буруни тешиб тақилладиган зийнат буюми. **15.** «Парвона» драмаси қаҳрамонларидан бири. **16.** Ўзбек халқ эртаги номидан «... ва Қиммат». **17.** Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» асарининг бош қаҳрамони. **18.** «Она Хиндистон» филмида бош қаҳрамони гавдалантириш билан танилган кино санъаткори. **19.** Тақинчоқ, заргарлик буюми. **20.** Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов шеъри. **21.** Ўзбек

театр сахнасининг илк раққосаси. **22.** Назмий асарлар муаллифи, ижодкор аёл. **23.** Фарғона водийсида оммалашган, асосан аёллар ижросидаги халқ кўшиги. **24.** Ўзбек халқ кўшиқларидан бири. **25.** Каминна. **26.** Умумхалқ шодибнаси кунни. **27.** Раққосалар ижрода қўлайдиган бир жуфт тош. **28.** Абдулла Қаҳҳорнинг куйидаги қадимий халқ кўшиги: «Тойчалар кишнашди от бўлдим деб, Келинлар йиғлашди ёт бўлдим деб», мисралари билан бошланувчи ҳикосаи. **«ЎЗ ҚАДРИНИ БИЛГАН ЧЎРИ» МУАММОМАСИ**
Қомусий аллома Абу Райҳон Берунийнинг «Жавоҳирнома» асарида куйидаги ҳикоят келтирилади. Аббосия сулоласига мансуб халифа (786-809 йиллар) Хорун ар-Рашиднинг чўрилари орасида биттасининг хусну латофатда тенги йўқ экан. Халифа чўриларига совға-салом улашган пайтларида бошқалар зўр миннатдорчилик билан қабул қилар, у эса мутлақо олма экан. Бундан халифанинг ҳақли чиқаркан.
Бир кун у бир халта марваридни чўриларининг олдига тўқди. Ҳамма совғага ўзини ташлади-ю, халиги чўри бурилиб қарамади ҳам. Сўнг халифа хазиначидан бир халта ёқут олдириб келиб сочди. Ҳамма ўз улушини олди, у тагин бепарволигича тураверди.
— Нега бошқалар қатори ўз улушининг олмадиган? — деб сўради ундан халифа.
— Борди-ю, шу ердан ўзимга ёққан нарсани танласам, меники бўладими?

— деб сўради гўзал чўри қиз.
— Майли сенинг айтганингча бўлсин...
Энди куйида таърифлари баён этилиб, рақамларда ифодаланган калит сўзларни топинг.
1. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonидаги оқила, ҳукмдор аёл сиймоси, Шириннинг аммаси — **12, 14, 17, 3, 2, 11, 7, 2, 1.**
2. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи қаҳрамони — **21, 1, 12, 1, 13.**
3. Фафур Ғулмоннинг «Ёдгор» киссаси қаҳрамони — **20, 4, 7, 5, 4, 10.**
4. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи бош қаҳрамони — **15, 14, 11, 3.**
5. «Алишер Навоий» драмасида устоз санъаткор Сора Эшонтураева гавдалантирган қаҳрамон — **9, 1, 8, 3.**
6. Ватанпарварлик, халқпарварлик тимсоли ҳисобланган афсонавий аёл сиймоси акс этган эпос — **10, 18, 12, 4, 6, 3, 20.**
7. Барги сиқиб қошга куйишда ишлатиладиган тўқ яшил баргли ўсимлик — **18, 20, 12, 4.**
8. Қошларга пардоз беришда фойдаланиладиган графит ашё — **16, 4, 8, 4, 12.**
9. Ўзбек халқ куйи — **19, 7, 2, 7, 2.**
Калит сўзлари жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларни харфлар билан алмаштириш орқали муаммомани ҳал этинг. Бунда улардан ўз қадрини билган чўри қизнинг жавоби ва ҳикоятнинг аjoyиб якунини билиб оласиз.



Фозилжон ОРИПОВ

**Ўзбекистон
касба
уюшмалари
Федератсияси**

Муассис:
**Ўзбекистон касба
уюшмалари Федератсияси**

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'Indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo + 998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A. Qodirova
Navbatchi:
U. Ibodinov
Musahhih:
S. Shodiyeva

Bosilishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 23.30
E-mail: ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va saqlandi.
Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.